

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 101 (2365)

1991 ЙИЛ 22 АВГУСТ

ПАЙШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ,
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНING БИРИНЧИ КОТИБИ
И. А. КАРИМОВНИНГ ЖУМҲУРИЯТ АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТИ

Азиз дўстлар!
Ўртоқлар!

СССР вице-президенти ўртоқ Г. И. Янаевнинг фармони, совет раҳбариятининг баёноти ва СССРда Фавқулодда ҳолат мурожаати ва қарорлари муносабати билан жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи ҳамма фуқароларни, катта-кичик барча ҳамюртларимизни шу мураккаб вазиятда ақл-идрок билан иш тутишга, тинчлик-осойишталикни сақлашга, сабр-тоқатли бўлишга даъват этаман.

Содир бўлган вазиятдан қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Биринчидан, ҳар биримиз оғир ва вазмин бўлишимиз керак. Бошимизга тушган бу синовлар, ноаниқ давр ва шароитдан авваламбор ақл ва идрокимизни бир жойга йиғиштириб, инсоф ва виждонни йўқотмасдан, саросимага тушмасдан чиқишимиз керак.

Иккинчидан, Ўзбекистон жумҳурияти, унинг раҳбарияти қайта қуриш даврида ҳам ҳеч қачон бировнинг гапига кириб иш тутган эмас. Марказдан, бошқа баъзи бир жумҳуриятлардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай қақириқлар, даъватлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз таялаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ.

Бу йўл бизнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига, ҳуллас, халқимиз манфаатларига мос йўлдир.

Бу йўлни бир нарса билан солиштириш мумкин. У ҳам бўлса ўткир, қиррали тоғ устидан йўл топиб юриш билан баробардир. Бу йўлда қанчалик оғир ва мураккаб шароит бўлмасин, на чапга, на ўнга ўйламасдан, ақлимизни ишлатмасдан бирор қадам ташлаб бўлмайди.

Бу ниҳоятда хавфлидир. Агар шундай қадам ташламоқчи бўлсак, биз ўз йўлимизни, халқимиз қўллаб-қувватлаган йўлимизни йўқотиб қўйишимиз мумкин.

Учинчидан, бизнинг тарихимиз, халқимиз бошидан кечириб ўтган даврлар қандай бўлмасин, бу бизнинг тарихимиздир.

Биз бировларга ўхшаб бу муқаддас тарихга тош отганимиз ва уни хўрлаганимиз йўқ. Яъни, бошқача қилиб айтганда, ҳатто кейинги йилларнинг ўзини олганимизда ҳам бу даврда мамлакатдаги турли кучли оқимлар биринчи кўринишда қанчалик ёқимли бўлмасин, бизларни йўлдан урмоқчи бўлган кучларнинг сиёсати қанчалик кучли бўлмасин, марказга ёқиш-ёқмаслик масаласи қанчалик кўндаланг бўлиб туришига қарамасдан, биз ўз йўлимиздан қайтганимиз йўқ.

Оддий тил билан айтганда, биз ўзлимизни йўқотмасдан ўз сиёсатимизни олиб бораёلمиз ва келажакда ҳам шу сиёсатга қодирмиз.

Тўртинчидан, бизларга қандай кучлар қарши чиқмасин, бизнинг фаолиятимизни диктатура деб атамасин, биз ҳар доим — буни ҳеч ким рад эта олмайди — мустақкам тартиб-интизом тарафдори бўлганмиз ва ўз сиёсатимизга тартиб-интизомни пойдевор қилиб олганмиз. Яна бир марта қайтараман: буни ҳеч ким рад эта олмайди.

Қаерга боришим, қаерда сўзга чиқшимиздан қатъи назар, мен доим одамларимиздан, халқимиздан, раҳбарларимиздан интизомнинг жиловини қўлдан бермаслик тўғрисида доим ўтиниб сўраганман, талаб қилганман.

Нимага деганда, тарихимиз, ҳаётимиз шунини кўрсатиб турибдики, тартиб-интизомни қўлдан чиқарган раҳбарият унинг ҳеч қачон қайтариб ололмади ва ўз халқини, унга ишонган фуқаролари-

ни ҳимоя қилишга заиф бўлиб қолади.

Тартиб-интизомни бўшаштириш сиёсати оқибатини ва таъсирини мамлакатимизда яшаб турган ҳар қайси оила ва ҳар бир инсон ўз ҳаётида яққол сезиб турибди. Бундай ҳолатни, бундай вазиятни авваламбор мамлакатимиздаги миллатлараро ва республикалараро муносабатларнинг кескинлашадиганидан, халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетаётганидан, одамларнинг нотинч ва норози бўлаётганидан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Бешинчидан, шунини ҳам халқимизга очиқдан-очиқ, рўй-рост айтишимиз керакки, қайта қуришни бошлаганимизга олти йил бўлди. Қуруқ гаплар, дабдабали ваъдалар одамларимизнинг жонига тегди. Бугун-эрта ҳаётимиз яхши бўлади деган, озгина чиданглар деган гапларга ва ваъдаларга ҳеч кимда ишонч қолмади. Бу ҳам аҳволнинг кескинлашувига, одамларнинг ғазабланишига асос бўлди.

Азиз дўстлар!

Бу гапларни айтиб, мен сизларга ҳеч қандай янгиликни очиб бераётганим йўқ. Бунинг ҳаммаси кўпчиликка маълум ва бу гаплар аксарият халқимиз орасида кўпдан бери бўлиб келаяпти.

Халқимиз бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодий ислохотларга тан бериб, амалий самаралар ва натижаларни кутаяпти.

Кўпчилик билан гаплашсангиз, улар қайси ёшда, қайси ишда бўлишидан қатъи назар, бошимизга тушган савдолар қачон тугайди, яхши кунлар қайтармикин, деб савол беришлари ҳаммамизга маълум. Бундай саволларга жавобни халқимиз кўпдан бери кутаяпти. Лекин бундай оғир саволларга жавоб беришда мамлакатимиз раҳбариятининг заифлиги маълум бўлиб қолди.

Бугун мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида гап борар экан, ҳаммамиз ҳам амалий ишлар билан халқимизга, Ўзбекистонимизга қандай енгиллик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида қандай яхшилик бўлади, деган саволлар бераёلمиз.

Лекин ҳозирча мамлакатнинг ҳокимият доиралари қандай йўл билан, нималар орқали, қандай сиёсат орқали бу мақсадларга эришиш мумкинлиги ҳақида тўлиқ, батафсил маълумот берганча йўқ.

Бу маълумотлар билан чуқур таъминланган кейингина бўлаётган ўзгаришларга ўзимизнинг муносабатимизни албатта билдирамиз.

Лекин ишонтариб айтаёلمизки, биз ўз халқимизнинг, Ўзбекистонда яшаётган барча аҳолининг туб манфаатлари, осойишталиги ҳисобга олинган ҳолда янги сиёсатни қўллашимиз мумкин.

Бизга тинчлик ва осойишталик керак. Биз ҳар бир оиланинг тинч-тотув яшаши тарафдоримиз ва шунга интилаётган, шунини таъминлайдиган сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз.

Азиз юртдошлар!

Яна бир бор сизларга мурожаат қиламан. Шундай оғир синовдан ўтаётган бир пайтда халқимиз сабр-тоқат ва бардош билан, вазмин бўлиб, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашиши керак. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш керак. Тинчликни бузаётган, ўз манфаатини кўзлаётган ҳар хил шахсларга, муттаҳамларга қулоқ солмасдан, ўзи танлаган йўлдан қолмаслиги керак.

Юртимиз, халқимиз тарихда жуда кўп синовлардан юзи ёруғ бўлиб чиққанмиз.

Ишонманки, бу оғир синовлардан ҳам эсон-омон ўтамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР РАҲБАРЛАРИ
ИШТИРОКИДАГИ ҚЎШМА МАЖЛИСИНИНГ
БАЁНОТИ

1991 йил 19 август куни СССР вице-президенти Г. Янаевнинг Михаил Сергеевич Горбачев саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли СССР Президенти вазифаларини ижро этиш имконияти йўқлиги муносабати билан СССР Президенти вазифаларини бажаришга юришгани тўғрисидаги фармони қабул қилинди. Совет раҳбариятининг мамлакат айрим ҳудудларида фавқулодда ҳолат жорий этиш ва СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети тузилганлиги тўғрисидаги баёноти ҳам қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон халқига мурожаат этиб, қуйидагиларни баён қилади:

1. Бугун мамлакатда ниҳоятда зиддиятли аҳвол юзага келди, республикалараро қарор топган алоқалар бузилди, нарх-наво ошиб кетди, аҳолининг турмуш даражаси пасаймоқда, халқни озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлаш кундан-кунга ёмонлашмоқда, миллатлараро ва иқтимоий танглик, жўноятчилик кучаймоқда, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталиги етарли даражада таъминланмаяпти. Мамлакатдаги тоқат қилиб бўлмайдиган бундай аҳвол узоқ вақтдан бери давом этмоқда ва ҳал қилиниши

зарур.

Бундай вазиятда иқтимоий-сиёсий барқарорликни соқлаш ва мустақкамлаш, барча соғлом сиёсий ва иқтимоий кучларни жипслаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг барча соҳаларида, умуман халқ хўжалигида қаттиқ интизом ва тартиб ўрнатиш бирдан-бир тўғри йўл ҳисобланади.

2. Бундай мураккаб даврда одамларнинг осойишталигини бузишни, тартибсизлик, низолар келтириб чиқаришни, бир гуруҳни иккинчи гуруҳга қарши қўйишни, ҳокимият идораларига ишончсизлик уруғи сочишни, аҳоли ўртасида шубҳа, қўрқув, саросима туғдиришни хоҳлаётган ва шунга интилаётган бузғунчи унсурлар бор. Ана шу кучларнинг

ҳаммасига қонунга мувофиқ қатъиян зарба бериш, келиб чиқиши мумкин бўлган иттифоқдорона ҳаракатларнинг олдини олиш, вазминлик ва осойишталикни сақлаш, хушёр бўлиш ва ақл-идрок билан иш юритиш зарурдир.

3. Аҳолини озиқ-овқат, истеъмол моллари ва кундалиқ эҳтиёж ашёлари билан узлуксиз таъминлаш учун барча имкони бўлган ишларни қилиш, ҳар қандай резервларни қидириб топиш — кечиктирмай ҳал этишни талаб қилаётган биринчи даражали аҳамиятга молик масаладир. Жойлардаги идоралар, умуман совет ҳокимияти барча раҳбарларнинг қобилияти, уларнинг инсон тўғрисида, ҳар бир оила, умуман жамиятимиз тўғрисида сўзла

эмас, амалда гамхўрлик кўрсатишга қодирлиги мана шунда намоён бўлади ва шу билан ўлчанади.

4. Чайқовчиликка, молларни яшириб қўйишга, халқ ҳисобидан бойлик орттириш учун интилишга қарши кураш шакллари тубдан ўзгартириш талаб этилади. Одамларнинг осойишталиги ва фаровонлигини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш — ҳуқуқий муҳофаза этиш идораларининг, советларнинг ва партия комитетларининг, республикамиздаги барча соғлом кучларнинг асосий вазифасидир.

5. Биз турли иқтимоий ва сиёсий гуруҳлар ўртаси

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокидаги қўшма мажлисининг

БАЁНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

даги келишмовчиликларни ҳал этиш учун тинч вақтда куч, аввало ҳарбий куч ишлатилишига қаршимиз. Шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар ва қўрғонларда истиқомат қилувчи кишиларнинг осойишталиги биз учун ҳамма нарсдан афзал ва биз бу йўлда ҳамма ишларни қилишга тайёрмиз. Ижтимоий тотувликка, интизомга, барқарорликка давлатимизни республикамиз аҳолисининг барча табақалари тушуниб кутиб олишларига аминмиз.

6. Кенг доирадаги ижтимоий кучлар иштирокида ишлаб чиқилган, республика Олий Кенгаши маъқуллаган ва изчил амалга оширилётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатимиз ўзгармас-

дир. Ҳамма жойда ва ҳамма нарсада, турмушимизнинг барча жабҳаларида қаттиқ интизом ва тартибни сақлаган ҳолда ўзбек халқининг фаровонлигини, Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча кишиларнинг эсон-омонлигини таъминлаш, миллатлараро ва ижтимоий тотувликни сақлаб қолиш биз юритаётган сиёсатнинг олий мақсадидир. Республикаимиз Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессияларида қабул қилинган республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларация қоидаларини, иқтисодий турмушда ислохотларни янада ривожлантириш, мулчиликнинг барча шаклларига тенг ҳуқуқ бериш йўлини, корхоналар ва хўжаликлар мустақилли-

гини кучайтириш, тadbиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлини бундан буён ҳам оғишмай ва изчил амалга ошираверади.

7. Нормал ижтимоий-сиёсий аҳволни қўллаб-қувватлашга, турмуш таъминотининг барча соҳаларида тинимсиз фаолият кўрсатишига, республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кундалик зарур моллар билан барқарор таъминлашга тааллуқли тadbирларнинг бутун мажмуи амалга оширилишини назорат этиш зиммасига юклатиладиган ижроия ҳокимият ва бошқарув идораларининг ишини муво-

фиқлаштириб турадиган республика комиссиясини тузиш мақсада мувофиқ, деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети ва Ўзбекистон ССР Телекўрсатув ва радиоэмиттириш давлат комитети оммавий ахборот воситалари ишини «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунига қатъий риоя этган ҳолда таъминласинлар.

9. Вазмин бўлиш ва осойишталикни сақлаш, турли миш-мишлар ва инвогарликларга учмаслик, эҳтиросларнинг авж олишига йўл қўймаслик, кишиларнинг тинч яшashi, ишлаши ва

ўқиши учун барча шароитларни яратиш республикамиз ҳар бир фуқаросининг ҳозирги вазиятдаги олий бурчидир.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари билан биргаликда республикамиз ва халқимиз, эътиқодидан ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, жуда оғир кунларга дош берган барча кишилар бу синовдан ҳам муваффақиятли ўтадилар, ҳозирги вазиятдан шараф билан чиқадилар, деб ишонч билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси

ОСОЙИШТАЛИКНИ САҚЛАЙЛИК, ТАРТИБНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

19 август куни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Тошкент шаҳри фаоллари билан учрашди. Учрашувда мамлакатда юзага келган вазият кўриб чиқилди. Республика Президенти ҳозирги мураккаб вазият ҳақида ахборот берди. У совет жамятини демократик руҳда қайта тиклашга умид туғдирган қайта қуриш ҳозир боши берк кўчага қириб қолганини таъкидлади. Бунинг сабаби қайта қуришнинг аниқ-равшан концепцияси бўлмаганлигида, уни рўйбага чиқариш-

нинг стратегияси ишлаб чиқилмаганлигидадир. Ўзбек халқининг: «Янги уй қурмай туриб, эскини бузма» деган доно мақоли бор. Де-ди Ислом Абдуғаниевич. Бизда эса аксинча бўлди — эскисини бузиб ташладик, аммо янгисини қуришга улгурмадик. Мана сизга аянчли натижа — ёмонроқ яшай бошладик. И. А. Каримов айрим жойларда фавқулодда ҳолат жорий этилиши маълум эканини таъкидлади. Бизнинг республикамизда эса уни жорий этишга ҳожат йўқ. Ўз-

бекистонда барқарор вазият юзага келди, бир маромдаги меҳнат таъминланди. Бу аҳоли турмуш даражасини ошириш, уни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлидаги аниқ мақсадни кўзловчи сиёсатнинг натижасидир. Ўзбекистон ССР Президентининг бир қанча фармонлари, республика раҳбариятининг бошқа тadbирлари ана шунга қаратилган. Бу ўринда интизом ва тартибни мустаҳкамлаш йўли билан демократик ўзгартишлар қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тар-

тиб ва интизом бўлмаса, ҳеч қандай демократия одамларга, халққа ҳеч бир яхшилик келтирмайди. Мамлакатимизда кейинги йилларда рўй берган воқеалар ҳам бундан далолат бермоқда. Айни вақтда сиёсий шахсиятлараслик, ҳовимиятга интилиш кўпича демократия, ошкоралик билан ниқобланмоқда. Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Президенти янги Иттифоқ шартномасига тўхталди. Айни вақтда у Ново-Огаревода ишлаб чиқилган шартнома нуҳасининг та-

рафдори бўлиб қолишини таъкидлади, чунки у яхшилаб пишиқтирилган, пухта ўйлаб тузилган ҳужжат бўлиб, барча томонларнинг манфаатларини акс эттиради. Учрашувда Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар советининг раиси, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков қатнашдилар. (ЎЗТАГ).

Бир неча кун буржи мамлакатимизда юз берган ўзгариш бутун совет халқини шошириб қўйди.

Марказий ахборот воситаларида берилётган жўн хабарлар ўз навбатида фуқароларни тўла қониқтирарди, деб бўлмайди. Бундай дамларда ҳамманинг юрти, бола-чақаси тинчлиги учун ташвиши ортиши, эртанги куни қандай бўлиши ҳақида қайғуриши табиий. Кўнгилга таскин топиш мақсадида Ўзбекистон ССЖ ИИВ ҳузуридаги жумҳуриятда жамоат тартибини таъминлаш бўйича ташкил этилган штаб аъзоси А. Артемьевга бир неча саволлар билан муурожаат қилдим.

— Александр Яковлевич, халқимиз учун оғир ушбу дамда уларнинг осойишталигини

ва хавфсизлигини таъминлаш борасида жумҳуриятимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳозирча тўла ишонч билан айтиш мумкинки, оператив вазият юртимизнинг барча ҳудудларида барқарор. 19 август куни шошилинч кенгаш ўтказилиб, барча ички ишлар бош қармалари ва бўлимлари раҳбарларига жойларда жамоат тартибини сақлаш, ортиқча шов-шув, ғаламисликлар, турли миш-мишлар тарқатилишининг олдини олиш вазифаси қўйилди. Бундан ташқари аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам зарурлиги уқтирилди.

— Ушбу вазиятда ИИВ шахсий таркиби ўзини қандай тутиши керак!

— Аввало ҳар бир ходимимиз мавжуд вазиятдан огоҳ бўлмоғи лозим. Шу мақсадда шахсий таркиб билан суҳбат ўтказилди. Уларнинг олдига қўйилган талаб фақат битта-жамоат тартибини сақлаш, аҳолининг ишлаши, тирикчилиги йўлида хавфсизлигини таъминлаш.

Шунингдек, ҳушёрликни ошириш, давлат ва хизмат сирларини сақлаб билиш, ЎзССЖ, ССЖИ Конституцияларига тўла амал қилиш, тартиб-интизомга қатъий бўйсунуш лозим. Қолаверса, ҳар бир ходим ўз жойини билиши керак.

— Москва, Ленинград шаҳарларида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Жумҳуриятимизда ҳам бундай кескин чора қўлланиши мумкинми!

— Йўқ. Бизда бунга асос йўқ. Лекин ҳар эҳтимолга қарши зарур чораларни кўриш мўлжалланган.

— Ҳозир Ўзбекистонда вазият ўз меъёрида. Уни сақлаб туриш учун нималар қилиниши даркори!

— Ҳадемай совуқ кунлар бошланади. Ҳеч кимга сир эмас: жумҳуриятимизда ҳар қалай бирон кимса оч қолмайди. Шу боис четдан дайдилар оқими билан бирга турли жинсий унсурлар ҳам келиши

йўлини тўсиш, жойларда бўлаётган воқеа, ҳодисаларга тўғри баҳо бериш, назоратни кучайтириш, асло интизомни бўшаштирмаслик шарт.

Мана тез кунларда пахта йиғим-терими бошланади. Кўпчилик далада бўлади. Миллиция ходимлари ишига иш қўшилади.

— Айтнингчи, шахсий таркиб ўз зиммасидаги бу вазифани уддалай оладими!

— Ҳа. Ўз касбига, ишига астойдил меҳр қўйган ходимларимиз бор экан, биз бу вазифани уддалаймиз. Уйлайманки, халқимиз ҳам бўлаётган воқеаларни тўғри талқин этади ва умумий осойишталигимизни таъминлаш ишига ҳар томонлама ўз ҳиссасини қўшади.

Суҳбатдош М. ИБРОҲИМОВА.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

У ҳарбий хизматни тугатиб келгач, ҳеч иккиланмасдан Тошкент шаҳридаги ўрта махсус милиция мактабига ҳужжат топширди. 1980 йилда ўқини тугатиб, Ҳамза тумани ИИБда участка инспектори бўлиб ишлай бошлади. Касбига бўлган меҳри туфайли тез орада кўзга ташланиб, танлиб қолди. Шунинг учун бўлса керак, орадан бир йил ҳам ўтмай катта участка инспектори этиб тайинланади. Масъулият ва меҳнат бир қадар ошди. Мана орадан ўн йилга яқин вақт ўтди. Холмат Нишонов ҳамон шу лавозимда хизмат қилиб келмоқда. Бу давр ичида ҳалол хизматлари эъзига майор унвонини олди.

— Яшириб нима қиламан, — дейди Х. Нишонов — участ-

када уриш-жонжал бўлиб туради. Кимдир ичиб келиб, қўшнларига тинчлик бермаса, бошқа биров хотини билан уришади. Участка инспектори уларни мурасага келтириши, тартибга чақиртиш зарур. Бу ишда мен қозғ тулдириб, судга оширишга унча шошилмайман. Чунки у безори суд ҳукми билан нари борса, жарима тўлайди. Бу жазо унга ҳеч қандай таъсир қилмаслиги мумкин. Шунинг учун агар биринчи марта милицияга иши тушган бўлса, уни жамоат ўртасида кирдикорларини юзига айтиб уялтирамиз. Бу албатта, ўзининг яхши самарасини бермоқда.

Ичкиликка ружу қўйган Ю. Николаевич исмли кишининг иши ўртоқлик судида кўриб

чиқилди, тенбех берилди, уялтирилди. У бундан яхши хулоса чиқариб, ичишни ташлади. Т. Татьяна исмли аёлнинг ҳам иши ўртоқлик судида кўрилган эди. Маҳаллада бош кўтариб юролмади, ичишни ташлаб, бошқа жойга кўчиб кетди. Умуман, бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Бу усул ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда, лекин жамоатчиликни назор-писанд қилмайдиган безбетлар ҳам учраб туради. Шундайлардан бири А. Людмила исмли аёлдир. У фарзанди бўлган ҳолда ичкиликка муккасидан кетгани сабабли иши бир неча марта ўртоқлик судида кўрилди. Лекин тўғри хулоса чиқариб, яхши томонга ўзгармоди. Ҳамкасб ва маҳаллодошларининг

панд-насихатларига қарамай ишда билан ошнолигини давом эттирмоқда. Ҳозир уни оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш учун ҳужжатлар тайёрланяпти. Болани унинг қўлида қолдириб бўлмайди. Узининг аҳоли бу, болага берган тарбияси нима бўларди!

Участка инспектори жамоат билан ҳамкорликда иш олиб борса, яхши натижаларга эришиши мумкин. Чунки ҳар қандай безори ҳам жамоат фикри билан ҳисоблашишга мажбур. Қолаверса, халқ ўртасида участка инспекторининг обрўси ортиб, унга нисбатан одамларнинг ишончи, ҳурмати ошади.

Х. Нишонов назоратидаги участкада олдин судланган 61 нафар киши бор. Холмат ака уларга қандайдир шубҳа билан эмас, балки ишонч билан қарайди. Чунки ҳаётда бир марта қоқилган кишини ҳадеб

турткилайвериш, ҳуда-беҳудага текширавериш нафсониятига тегиши аниқ. Лекин назоратни ҳам бўшаштираётгани йўқ.

Участкада заводнинг кўп қаватли 7та ётоқхонаси бор. У ерда, асосан, талаба ёшлар яшади. Ҳар хил касаллик ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар содир этилишига йўл қўймаслик учун Холмат ака завод маъмурияти билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. У ерда тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилинади. Бўйсунмаганларга эса қаттиқ чоралар кўрилади. Шу сабабли ҳам у киши назорат қилаётган участка қонунбузарлик ҳоллари кам учрайди. Бунинг ҳаммасига милиция майори Холмат Нишонов ўз касбининг севиши, доимо одамлар орасида бўлиши, ишбилармонлиги сабаблигина эришмоқда.

Шоғиддин САМИЕВ.

А. К. Шчелоков Чурбановга зор эмасди, Брежнев билан апоқ-чапоқлиги уни мустақкам қўрғонга айлантирганди. Биздаги маълумотларга қараганда, Шчелоков ва Чурбанов ўртасидаги муносабат совуқ бўлган. Гарчанд Шчелоков уни Юра деб атасада, Чурбановнинг ўсиб бо- раётган эҳтиёжига парво қилмади. Масалан, Чурбановнинг кўнгли хиз- мат «Волга»сини «Чайка»га алмаш- тиришни тусаб қолиб, у Шчелоков- дан Косинга кўнгироқ қилишни сўради, бироқ вазир ўрнидан қўзга- либ ҳам қўймади. Ақсинча, Чурба- нов Шчелоковнинг жойига кўз олай- тирарди. Шчелоковнинг юқорига кў- тарилиши ҳақидаги овозлар ҳам бежиз эмасди. 1981 йили Брежнев ССЖИ Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари курсисига уни ўтказмоқчи бўлди. Ёшини баҳона қилиб, Шчелоков таклифни рад этди.

К. С. Андропов даврида уни ати- ги йўл четига суриб қўйишгани, Шчелоковга самимий муносабатини яширмаган Черненко пайтида уни ўз-ўзини ўлдириш даражасига етказишгани Сизга галати туюлмайдими? Ахир, кетма-кет ёғилаётган зарба- лар — 1984 йил 6 ноябрда «ар- мия генерали» унвонидан маҳрум қилишди, 12 ноябрдан 14 ноябргача тинтувлар ўтказилди, 7 декабрь ку- ни ундан фирқа билетини, 12 де- кабрь куни эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони ва урушда тақ- дирланганидан ташқари барча ҳуку- мат мукофотларини олиб қўйишди — энг маъқули ишни судга етказмас- лик ва «Гастин-Раннет»га тўнғизўқ жойлаб, нариги дунёга равона бўлиш эканлигига ишора эмасми? Ёки мен адашяпманми?

А. К. Бир нарсани аниқ биламан. Тинтувга рухсат бераётиб, ўзим мустақил ҳаракат қилдим. Ҳеч ким менга туртки бергани йўқ. Бу бош- қа воқеалар билан боғлиқ эмас, тасодифан тўғри келиб қолган.

К. С. Бу фикрнинг менда туғи- лишига сабаб бор. Шчелоков муко- фотларини суд ҳукмисиз олиб қў- йишди. Агар хотирам панд бермаса, бундай «шараф»га ёлғиз Андрей Дмитриевич Сахаровни лойиқ кў- ришганди.

А. К. Қўлимда Сизнинг фаразин- гизни тасдиқлайдиган бирон-бир далил йўқ. Шунга қарамай кўпчилиги учун Шчелоков жиний иши судга чиққанидан кўра унинг ўлими аф- зал эди, деган фикрга қўшиламан. Бу кўпчилик ичида меросхўрлар ҳам бўлиши мумкин. Чунки олдин- да қаттиқ ҳукм ва мол-мулкни мусо- дора қилиш кўриниб қолганди.

К. С. Меросхўрларга оид фикрла- рингиз бирон-бир нарсага асослан- ганми?

А. К. Фақат фактларга. Тинтув вақтида биз Шчелоковдан «Валь- тер» тўппончаси, унинг ўқлари ва ўқ-дорилари билан ов милтигини олиб қўйдик. Орадан бир неча кун ўтгач, Шчелоковнинг ўғли отаси ёз- ган ариза билан кириб келди. Унда ов милтиги ва ўқ-дориларни қайта- риб бериш талаб қилинганди. Адлия

[Охири. Боши ўтган сонларда].

К. Соловьев
ТУЗУМ



фарзанди



полковниги В. Миртов тушкун кай- фиётдаги кишига ўқотар қурол беришнинг зарурати бормикан, деб огоҳлантирган. Бироқ Шчелоковнинг ўғли тергов идоралари Николай Анисимовични севимли машғулот — овдан маҳрум этиш ҳуқуқига эга эмаслигини ўжарлик билан таъкид- лаб, ўз билганидан қолмади. Талаб қо- нуний эди, ов милтиги ва ўқ-дорилар бўйича, далилий ашё ҳисобланмас- ди, биз уларни қайтариб бердик.

К. С. Александр Филиппович, Шчелоковни «порахўрлик қироли» дейиш- ларига қандай қарайсиз?

А. К. Мен юристман, фақат аниқ- ланган фактларга таянаман, Шчело- ков порахўр бўлиши мумкин, гап бун- да эмас. Бироқ «мумкин — демек ол- ган» деган сўз ҳуқуқий давлатда ўт- майди. Аниқ исботу далиллар ке- рак, улар йўқ. Шунинг учун мен журналистларга Шчелоковга порахўр ёрлигини ёпиштирмасликни тавсия қилардим. Матбуот ҳақидаги Қонун қабул қилинганидан сўнг улар учун кўнгилисизликлар юз бериши, рўзнома- ойномалар эса жарима тўлаши ҳеч гап эмас.

К. С. Шундай қилиб Шчелоковнинг асл қиёфаси нимадан иборат эди? Шчелоковни билганлар у вазирлик

лавозимида ўзидан олдинги ҳар қан- дай вазирдан самаралироқ ишлагани- ни тасдиқлашади. У ИИВга тайёр мутахассис сифатида келмади, бироқ қисқа муддат ичида вазифасига кири- шиб кетди. Чунки ишга олий малака- ли олим ва амалиётчиларни жалб этди. Улар билан бамаслаҳат иш ту- таркан, ўзини даҳо сифатида тутмас- ди. Тўғри унинг даврида ИИВ ҳи- соботи мунтазам равишда бузиб тузи- ларди, бироқ ҳисобот қаерда ҳаққоний ёзиларди. Бу Хрушчев даврида бош- ланган вақт талаби эди. Шчелоков кеккайганида эди, на Шостакович, на Хачатурян, на Ростропович, на Виш- невская у билан яхши муносабат ўр- натарди. Шчелоков ҳомийлик қилишни жуда яхши кўрарди. Яна нима дейиш мумкин?

А. К. Уни қўрқоқликда айблаш ҳам

қийин, қўрқоқ ўз-ўзини отолмасди, бунинг учун ирода керак. Ирода эса унда бор эди.

К. С. Буни у содир этган жи- ноятлар билан қандай таққослаш мумкин?


А. К. Шчелоковнинг фаҳм-фароса- ти, тўғрироғи, бу фаҳм-фаросатнинг сиёсий сурбетлик билан омехтаси ҳа- қида сўз юритиш ўринлироқ бўларди, деб ўйлайман. Фактлар шундан дало- лат берадики, у узоқ вақт бурун со- циализмнинг ҳужалик ҳисобисиз ну- счаси мамлакатда яшаётган одамлар учун эмас, балки чекланган казо-ка- золар учун тузилганини англаб ет- ган. Шунинг учун мансаб чўққисига чиқиш, роҳат-фароғатда яшаш, нафа- қат фарзандлари, балки невароу че- вараларига етадиган бойлик тўплаш йўлида ҳеч нарсдан қайтмади... Суҳ- батимизга нуқта қўйишдан олдин ни- ма дейиш мумкин? Шчелоков қабрини тез-тез таҳқирлаб туришади. Нега шундай бўлаётганини фаҳмлаш қийин эмас. Бироқ аламини марҳумдан олиш ҳам инсофданми? У ўз вақти- нинг одами, ўша пайтдаги тўралар «сафи»да яхшиси эмасди, афтидан, кўпларига қараганда ёмон ҳам ҳисоб- ланмасди. Мазмунан фарқи шундаки, Шчелоковни фош этишига муваффақ бўлинганда, унинг баъзи замондош- лари пешонасига бошқача тақдир ёзилганди — улар вақти-соати ет- ганда қаза қилишди ва Новодевичье қабристонига осуда ётишибди. Баъ- зилари эса катта нафақа эвазига умрининг охириги кунларини кечирар- кан, ясама тишларини гижирлатган- ча қайта қуришни ва унга қўл ур- ган кишини лаънатлаб ўтишмоқда.

«ЖУРНАЛИСТ» ойномасидан тар- жима.



СУРАТДА: Н. Шчелоков Бутунит- фиоқ кашшофлар етакчилари анжу- мани иштирокчиларидан бир гуруҳи- нинг даврасида. Келажак авлод тар-

бияси борасида «қайғурган» вазир учун бундай мулоқотлар ваъзхонлик учун қулай имконият яратарди. (Сурат 1976 йили олинган).



Шу кунларда жумҳурият ҳудудидан ташқарига полиз ва боғ маҳсулотларини олиб чиқиб кетмаслик ҳақидаги тегишли қарорларни бажаришда ички ишлар идорала- лари ҳузуридаги давлат автомобиль инспекцияси ходим- лари хизмати катта бўлмоқда. Кечасио кундузи постда ҳушёр турганлар туфайли кўплаб ноз-неъматлар элимиз дастурхонига қайтарилмоқда.
Суратда: Бўка тумани ИИБ ДАНБ йўл-патрул хизма- ти инспектори милиция сержанти Уткир Ҳақимов жамоатчи автоинспектор Шарифжон Маҳаматов билан тарвуз орталган машина ҳайдовчисининг ҳужжатини текширмоқда. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

ТУШ КЎРГАНСАН, ХОТИН...

Тунги соат гўртларда Фарғона шаҳар биринчи милиция бўлимасининг нав- батчилик хонасида телефон жиринглади.

— Навбатчи Бахтиёр Умаров эшитади.

— Уйимизга қуролли босқинчилар киришиб, ту- наб кеттишди...

Бахтиёр дарҳол ИИБ бошлиғининг ўринбосари М. Умурзоқовни огоҳ этди. Жиноят қидирув гуруҳи во- қеа содир бўлган жойга етиб келиб, хонадон соҳи- басидан ҳодиса тафсилот- ларини сўрай бошлади.

— Чўчиб уйғониб, кў- зининг очсам, бир киши юзимга тўппонча тираб ту-

рибди. «Ғиринг, десанг ота- ман», — деди. Иккинчиси эса ҳамма ёқни титиб, қимматбаҳо буюмларни йи- гиш билан машғул. Эрим эса ухлаб ётибди. Улар нарсаларни кўтариб жўнаш- гач, дарров ҳўжайинини турғизиб, воқеани айтсам, у ҳам ўлганнинг устига чи- қиб тепгандай: «Алдама, туш кўргансан, хотин», — дейди.

Эрим ўрнидан қўзғалиб у ёқ-бу ёқни кўздан кечи- раётган эди, ўғриларнинг шериги қайтиб келиб қолса, Шунда турмуш ўртоғим стулни олиб калласига бир туширган эди, қочиб қолди. ЖҚБ ходимлари учун бу

яхши далил эди. Демак жиноятчининг бошида жаро- ҳат излари бўлиши керак.

Улар бу ишда яқинда қа- моқдан чиққан, илгари бир неча марта судланган А. Сулеймоновнинг қўли бўлса керак, деган гумон билан унинг уйига йўл олишди.

Чиндан ҳам босқинчи бо- шини боғлаб олган эди. Тўппончани эса ҳеч қандай қаршиликсиз топширди. Унинг шеригини ушлаш учун гуруҳ аъзолари йўл- дош Дадабоев ва Ғулом Қо- рабоевлар анча тер тўқиди.

Абдуҳаким АҲМЕДОВ, «Постда»нинг жамоатчи муҳбири.

ҚОНУН ҚУРОЛМИ ЁКИ КИШАН?

Мен ҳуқуқшунос эмасман, оддий бир журналистман, ҳолос. Лекин ҳаққим борми-йўқми, ҳар қалай, мавжуд қонунларимиз ҳақида ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Бу мулоҳазаларим тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш энг доно ҳакам — кўпсонли мухлисларимиз ҳукмига ҳавола. Ҳозир эса фикрларимнинг мавҳум, тумтароқ бўлмаслиги учун Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида юз берган бир воқеани ҳикоя қилиб берсам.

Ўтган йилнинг 29 ноябрь куни кечга томон Қўрғонча қишлоғилик Муҳаммадазим Тўхтамамов ўртоқлари Собир Сайдахмедов, Даврон Отабеков, Муқим Тўхтабоевлар билан улфатчилик қилди. Бир неча шиша ароқ ичилди. Оқ оғу инсон боласини ичига киргач, шер қилиб юбориши тўғри экан.

— Кетдик, йигитлар, — деди Муҳаммадазим шерикларига, — Катта Тағобда аёл бор. Мияси ҳалигидай... Бир кўрайлик-чи.

Ташаббус бир овоздан маъқулланди. Узун-қисқа бўлиб, икки километрча йўлни пиёда босиб ўтишди. Етиб борганларида, соат миллари тунги бирдан ўттиз дақиқа ўтганди.

— Сизлар шу ерда кутиб туринлар, — дея шивирлади Муҳаммадазим ва ўзи девор ошиб, ҳовлига тушди.

Оёқ учида юриб, даҳлизга кирди. Бу пайтда Т. руҳий касалликлар шифохонасида бўлиб, хонада унинг акаси Муроджон Жўраев ва укалари Ашуралӣ, Музаффарлар ухлаб ётишган экан. Улар шарпани сезиб, уйғониб кетишди.

— Ким у? — дея ўринларидан сакраб туришди.

Воқеанинг бу қадар қалтис тус олишини кутмаган Муҳаммадазим шериклари олдиға шошилиб чиқди ва:

— Қани, тез кетдик бу ердан! — дея қишлоқ ёнидан ўтган сойға қараб қочди. Шериклари ҳам унинг ортидан югуришди.

Лекин сойнинг нариги томонига ўтганда, уй эгалари етиб олишди. Муштлашув бошланди.

— Дастлаб уларнинг иккитаси Каримдемона томонга, иккитаси Нурсух томонга қараб қочди, — дейди судланувчи Муроджон Жўраев. — Мен Каримдемонага қараб қочганларни қувладим. Етолмадим. Шу пайт сойнинг нариги томониди: «Войдод, акажон, ўлдим!» — деган бақирини эшитиб, яна сойдан кечиб ўтдим. Музаффар йиғлаб турар, Ашуралӣни эса кўпчилик бўлиб уришарди. Югуриб бориб, биттасининг сочидан ушлаб урмоқчи бўлгандим, ўзим унинг остига йиқилиб тушдим. Ноилож қолиб, пичоқ тортидим. Шу пайт уларнинг учинчи шериги ёрдамга келиб, менга ташланди. Уни ҳам қурол билан яраладим. Кейин Ашуралӣни уларнинг ёнида қолдириб, муштлашувда жароҳатланган укам Музаффар (вояга етмаган)ни шифохонага олиб бориб ётқиздим. Сўнгра

ИИБга кириб, бўлган воқеани ўз ихтиёри билан айтдим...

Суд ҳайъати қўлида Қўқон шаҳар суд-тиббий экспертизаси хулосалари ҳам бор эди. Унда айтилишича, ўша кунги жанжал туфайли Даврон Отабеков қўлидан «соғлиғи бузилишига сабабчи бўладиган енгил даражада» жароҳат олган, Собир Сайдахмедов эса юзидан «ҳаёти учун хавфли бўлмаган» даражада яраланган, Муҳаммадазим Тўхтамамов эса биқинидан «ҳаёти учун хавфли» даражада жароҳатланган.

— Муроджонда ҳеч қанақа айб йўқ, — деди Муҳаммадазим — Биз ароқ ичиб, кайф ҳолатда унинг синглиси уйига бордик. Агар шундай қилмаганимизда, жанжал юз бермасди. Ҳозир соғлигимиз яхши, унга ҳеч қанақа даъвоимиз йўқ.

Бошқа жароҳатланган воқеа иштирокчилари ҳам унинг фикрини маъқуллашди.

МУНОЗАРА УЧУН МАВЗУ

Иккинчи судланувчи сифатида Муҳаммадазим Тўхтамамов сўзлари тингланди. Яна суд-тиббий экспертизаси хулосасига қарайдиган бўлсак, у вояга етмаган Музаффарни уриб, соғлиғи енгил даражада бузилишига сабаб бўладиган тан жароҳати етказган. У ўз қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини билдирди.

Ўзбекистон тумани халқ суди ҳукм чиқарди.

1962 йилда Катта Тағоб қишлоғида туғилган, 91-хўжаликлараро механизациялашган кўча колоннада ришт терувчи бўлиб ишловчи Муроджон Жўраев ЖМнинг 88-моддаси «Б» банди билан айбдор деб топилди ва уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. 43-модда қўлланилиб, белгиланган жазо шартлига айлантирилди ва бир йил синнов муддати белгиланди. Унинг ахлоқини назорат қилиб бориш Ўзбекистон тумани ИИБга топширилди.

1962 йилда туғилган, Қўрғонча қишлоғилик, Тўрақўрғон туманидаги «Қулбобо» қишлоқ тайёрлов пунктида ишловчи Муҳаммадазим Тўхтамамов эса ЖМнинг 91-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилди. У шу моддага мувофиқ бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига жалб этилди. Ойлик маошининг 20 фоизи давлат ҳисобига чегириб қоллиниши белгилаб қўйилди. У жазони иш жойида ўташи лозимлиги ҳисобга олиниб, ҳукм ижроси Тўрақўрғон тумани ИИБ зиммасига юклатилди.

Бор гап шу. Эҳтимол мутахассислиги ҳуқуқшунос бўлган ўртоқлар: «Нима қилибди, ҳаммаси рисоладагидай-ку!» — дейишлари мумкин.

Лекин шу ўринда таҳририятимизга ёғилиб келаётган мактубларга бу ўртоқларнинг эътибор беришларини сўрайдим. Кўпмингсонли мухлисларимиз вакиллари ўз мактубларида қонунлари-

мизнинг бўшлигидан шикоят қилишмоқда. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, уларнинг фикрларида жон борга ўхшайди.

Келинг, юқоридаги судда кўрилган масала юзасидан яна чала қолган фикрларимни айтиб олай. Агар менга қолса, Муроджон Жўраев ҳатти-ҳаракатини қўллаб-қувватлаган бўлардим. Чунки у, гарчи ўша пайтда уйда йўқ бўлсада, синглиси Т. нинг аёллик гурурини ҳимоя этган (ярим тунда «таширф» буюрганларнинг мақсади ўғирлик ёки номуста тегиш бўлган, бошқача бўлиши мумкин эмас). Мантиққа зидликни қарангки, шунинг учун у ЖМ бўйича айбдор, деб топилди ва халқ тили билан айтганда «шартли»га кесилди.

Авалло ароқ ичиб, кейин ярим тунда бировнинг ётган хонасигача кириб борган ва устига устак вояга етмаган фуқарони уриб, тан жароҳати етказган Муҳаммадазим Тўхтамамов атиги бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинди. Назаримда, у бировнинг уйига ярим тунда худди ўғрига ўхшаб пу-сиб кириб боргани учунгина бундан оғирроқ жазога лойиқ эди. Энди у ҳукм қилинганидек, бир йил ичида ахлоқи тузалармикан? Бунга ким нафолат бера олади? Судда «пушаймонлиги» ҳисобга олинди маълум даражада, лекин «пушаймонлик» умрининг охиригача унга сабоқ бўлармикан?!

Матбуотда доимо бир гапни қайта ва қайта такрорлаймиз. Мисол учун бир автобусда атиги битта безори хиралик қилиб, ҳамманинг жонини ҳиқилдоғига келтиради. Лекин эллик-олтмиш нафар одам ичидан уни тартибга чақириб қўйдиган «мард» топилмайди. У кучсизроқ бир одамни (айтайлик, аёл кишини) хафа қилган тақдирда ҳам, ҳамма орзига талқон солгандек яим туради.

Хўш, нима учун? Одамлар шу даражада лоқайд бўлиб кетганми? Йўқ, ўша битта безорининг хурмагага сиғмайдиган қилғиғидан ҳамма ижирғанади.

Унда ҳамма қўёнорак бўлиб кетганми? Бу ҳам тўғри эмас. Ишончим комилки, ўша эллик-олтмиш нафар йўловчилар орасида юрагида ўти, билагида кучи бор йигитлар топилди.

Хўш, нега унда улар ночорликдан ҳўн-ҳўн йиғлаётган бечора аёлга ёрдам беришмайди, безорининг башарасига боилаб туширишмайди? Чунки қонун бор. Агар қаттиқроқ урса, «тан жароҳати етказгани» учун сўроқ бериши аниқ. Бу энди ҳеч кимга ёқмайди. Ҳеч бир терговчи: «Ҳа, энди урган бўлса, битта безорини урибди-да», — демайди, у ҳам қонундан ташқари чиқишга қўрқади.

Назаримда, шу туфайли, яна бир марта айтаман, қонунларимиз кўп ҳолларда замондан орқада қолиб кетганлиги учун тартиббузарликлар кўпайиб борапти. Жиноятчилар бир-бирлари билан жиқлашаёпти, биз эса бир-биримизга қўшила олмаяпмиз. Чунки ўртада қонун Алп ЭРДОН.

ДАРДГА МАЛҲАМ БЎЛИШМОҚДА

Ички ишлар соҳасига ишга ўтишим муносабати билан бир ҳафта давомида Хоразм вилояти ИИБ поликлиникасида бўлдим. Тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида бу манзилгоҳда Гиппократ қасамига содиқ мутахассислар ишлашига ишонч ҳосил қилдим.

— Врачларимиз-ку, касбига фидойи кишилар, бунга гап йўқ, — дейди бўлим бошлиғи О. Худойберганов.

Аммо раҳбариятимиз томонидан кўрсатилаётган гамхўрликларни алоҳида таъкидлаш керак. Бу борада сув билан даволаш ёки гнёҳлардан тайёрланган шарбатлар билан муолажа қилиш кабинетларини эса олишнинг ўзи кифоя.

— Айтингчи, бу ерда фақат милиция ходимларигина қабул қилинадиларми? — сўрайман суҳбатдошимдан.

— Нега энди? — дейди О. Худойберганов. — Уларнинг оила аъзоларини ҳам қабул қиламиз. Чунки оила аъзолари саломатлигидан кўнгли тўқ бўлган милиция ходимигина ишга бутун имкониятини сарфлай олади.

Вилоят ИИБ шифохонаси эса Урганч туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида жойлашган. Шовот ва Қулбод каналлари шу ердан оқиб ўтади. Шифохона табиати мафтункорлигининг ўзбек беморга руҳий тетиклик бағишлайди.

Энг диққатга молик томони шундаки, бу маскан атрофида иссиқхона мавжуд бўлиб, беморлар янги истеъмол маҳсулотлари билан таъминланадилар. Боғдаги мевали дарахтлар эса меҳр билан парвариш қилинмоқда.

— Шифохонада 5 нафар врач ва 8 нафар ҳамшира бор, — дейди милиция подполковниги Қадашбой Жабборов. — Умридан барака топилсин. Уларнинг енгил қўлларини ширин сўзлари дардимизга малҳам бўлапти.

М. НАВРЎЗАЛИЕВ,
ССЖИ журналистлар уюшмаси аъзоси.

ЎТКИНЧИ ҒОВЛАР



Давлат автомобиль назорияти ходимларининг иш жойлари серкатнов кўча ва чорраҳаларда эканлиги маълум. Ёзининг жазирама иссиғида, қишнинг қаҳратон соғуғида ҳам кўчада туришнинг ўзи бўлмайди. Боз устига улар ҳар куни кўплаб қонунбузарлар билан муомалада бўлади. Интизомсиз ҳайдов-

чиларга эса баҳона кўп. Кимдир «шошиб» кетаётган бўлади, яна бошқаси «кўрмай» (?) қолади, баъзилари эса... Хуллас инспекторни менсимайдиганлар ҳам учраб туради. Бундайлар, албатта, ДАН ходимининг асабларини чарчатади. Бироқ ўз бурчига содиқ ва бир сўзли осойишталик посбони олдида

бу ғовлар ўткинчи, албатта.


Милиция майори Жуманазар Олломов бошчилик қилаётган Бухоро вилояти ИИБ давлат автомобиль назорияти бўлимининг 2-алоҳида рота инспекторлари ўз ишига пухта ходимлардир. Айниқса, милиция капитани О. Мавлонов, милиция катта сер-

жант Х. Раҳматов, милиция сержантлари С. Эпниёзов ва С. Расуловлар шулар жумласидандир. Улар иштирокида кўплаб қонунбузарлар аниқланган ва жавобгарликка тортилган.

Исмоил МИНАВВАРОВ,
«Постда» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 2-алоҳида рота командири милиция майори Жуманазар Олломов шахсий таркиби постларга кузатиш олдидан кўрсатма бермоқда.

Таҷрибали ходим милиция лейтенанти Анвар Умиров хизмат пайтида. Муаллиф олган суратлар.



Мухаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегияси МВД УЗССР

26609 нускада чоп этилди.